



„14 “ ОКТЯБРЬ 2017 й. г. № 826

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг
Намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон қарорини бажариш юзасидан, республиканинг ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолияти ташкил этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг Намунавий устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 8 июндаги 264-сон қароридан назарда тутилган тартибнинг қуйидаги қисмлари татбиқ этилсин:

ташҳис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

имтиёзли тоифага кирувчи беморларга ордер бериш, уларни шифохонага жойлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига даволаш қийматини тўлаш;

шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож беморларни шифохонага жойлаштириш;

марказлар фаолияти даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари ва улар фаолиятини молиялаштириш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда:

Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази филиалининг Намунавий уставини тасдиқласин;

ушбу қарор билан тасдиқланган Намунавий уставга мувофиқ ишлаб чиқилган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг янгиланган уставларини тасдиқласин ҳамда ваколатли органларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин;

вазирлик томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.К.Шодмонов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментиغا юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Республика ихтисослаштирилган
илмий-амалий тиббиёт марказининг
НАМУНАВИЙ УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий устав Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон қарори асосида республика даволаш-профилактика муассасаси негизида ўз фаолияти йўналиши бўйича даволаш-профилактика ва илмий-услубий фаолият олиб борувчи ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи мустақил давлат тиббиёт ташкилоти сифатида ташкил этилади.

3. Марказ давлат муассасаси ёхуд давлат корхонаси шаклида ташкил этилади, юридик шахс ҳисобланади, ўз мустақил балансига эга, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда ҳисоб-китоб рақамлари ва валюта ҳисоб рақамларини, шахсий ғазна ҳисоб рақамларини очади, Марказнинг тўлиқ номи ёзилган муҳрга, штампларга ва бланкаларга эга.

4. Марказ юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатади, шунингдек мутахассислик турлари бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник ҳамда ўқув базаси ҳисобланади.

5. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқларига, ушбу Намунавий уставга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунди.

2-боб. Марказнинг асосий мақсадлари, вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Марказни ташкил этиш ва унинг фаолияти мақсадлари ҳисобланади:

юқори малакали ва юқори сифатли ҳамда ҳозирги замон халқаро талабларига мос келадиган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган юқори технологик моддий ва илмий базани, шунингдек ушбу йўналишдаги мактабни шакллантириш;

ўз ихтисослиги бўйича касалликларга ташҳис қўйиш, уларни даволаш ва касалликларнинг олдини олишда аҳолининг юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга бўлган талабини қондириш.

8. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) қуйидаги аҳолига ўз ихтисослиги бўйича юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш:

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари асосида аниқланадиган имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга бепул асосда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (бундан ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган шахслар мустасно), шунингдек чет эллик фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга пулли асосда;

б) мавжуд тиббиёт техникалари паркининг доимий равишда янгилаб борилишини ва модернизация қилинишини таъминлаш, Марказни ўз ихтисослиги бўйича ҳозирги замон халқаро талабларига мос келадиган юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

в) Марказ фаолиятини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техник ресурсларни жалб қилиш бўйича менежмент ҳамда маркетинг ишларини ташкил этиш;

г) Марказ тиббиёт ходимларининг касбий даражасини, шу жумладан мутахассисларнинг хорижий етакчи тиббиёт таълими муассасаларида ва клиникаларида ўз ихтисослиги бўйича касалликларга ташҳис қўйиш ва уларни даволашнинг замонавий усуллари бўйича стажировкаларини ташкил этиш ҳисобига доимий равишда ошириб бориш ва такомиллаштириш;

д) ўз ихтисослиги бўйича касалликларнинг олдини олиш, уларга ташҳис қўйиш ва касалликларни даволаш бўйича ўз илғор усулларини ва технологияларини ишлаб чиқишга ҳамда тиббий амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш;

е) ўз ихтисослиги бўйича касалликларни даволаш ва уларга ташҳис қўйишнинг патентланган ўз усуллари ва технологияларини доимий равишда такомиллаштириб бориш ҳамда уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш;

ж) ўз ихтисослиги бўйича республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фаол иштирок этиш;

з) ўз ихтисослиги бўйича хорижий етакчи тиббиёт муассасалари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, тўпланган тажриба, ахборотлар, шунингдек мутахассислар кенг алмашинувини таъминлаш;

и) ҳудудий ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларига ташкилий-услугий раҳбарлик қилиш, уларнинг амалиётига тиббий ёрдамнинг замонавий усуллари ва технологияларини жорий этиш, минтақаларда зарур профилактик ишлар ўтказишда кўмаклашиш, сайёр консультациялар, маҳорат дарсларини мунтазам равишда ўтказиб бориш.

9. Марказ ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

ўз ихтисослиги бўйича ҳозирги замон халқаро талаблари даражасида касалликларга ташҳис қўйиш, уларни даволаш ва олдини олишнинг энг самарали, мураккаб ва юқори технологик усулларига бўлган республика аҳолисининг эҳтиёжини кондиради;

ўз ихтисослиги бўйича кенг тарқалган касалликларга ташҳис қўйиш, уларни даволаш ва олдини олишнинг илғор самарали усуллари ҳамда технологияларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

Марказнинг филиалларига, шунингдек республика минтақаларида ўз ихтисослиги бўйича маслаҳат-диагностика тиббий ёрдамни кўрсатувчи бошқа шу йўналишдаги муассасаларга (бўлинмаларга) ташкилий-услубий ва илмий-амалий ёрдам кўрсатади;

минтақаларга борган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатади;

ўз ихтисослиги бўйича ўзининг юқори малакали мутахассислар мактабини шакллантиради ва ривожлантиради;

Марказ ихтисослиги бўйича тиббиёт соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритади;

дори воситаларини, тиббиёт буюмларини, шунингдек ўз ихтисослиги бўйича ташҳис қўйиш ва даволаш усуллари клиник синовдан ўтказади;

хориждаги тиббиёт ҳамжамиятига ўзининг илмий ва технологик ютуқларини тақдим этади;

ўз ихтисослиги бўйича ўзининг илмий, ўқув-услубий ва ахборот-маълумотнома материалларини чоп этади;

тиббиёт кадрларини, шу жумладан клиник ординатурада, базавий докторантурада, докторантурада, катта илмий ходим-изланувчилар институтида тайёрлайди, қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади;

Марказнинг тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, чет мамлакатларнинг шу йўналишдаги тиббиёт муассасалари иштирокида қўшма илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш учун юқори малакали чет эллик мутахассисларни жалб қилади;

амалий кўникмаларни мустаҳкамлаган ҳолда назарий билимларни ўзлаштириш асосида тиббиёт таълим муассасаларида шу йўналишдаги мутахассисликлар бўйича таълим сифатини оширишга фаол кўмаклашади.

3-боб. Марказнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

10. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ўзига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

ривожлантиришга доир бизнес-режаларни, харажатлар сметаларини мустақил шакллантириш, уларнинг ҳажмларини ва шакллантириш манбаларини, шунингдек харажатлар йўналишларини белгилаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа молиявий ёрдамни жалб қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий ва бошқа хизматларни кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини белгилаш;

мавжуд молиявий ресурслар доирасида асбоб-ускуналар, дори воситалари ва Марказ фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа моддий-техник воситалар харидини амалга ошириш;

ўз ихтисослиги бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда иштирок этиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк объектларига доир муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

чет эллик юридик шахслар билан илмий ва илмий-техник ҳамкорлик қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишувга кўра республика минтақаларида филиаллар ташкил этиш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Марказ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси билан келишувга кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тарифларни шакллантириш тартибига мувофиқ ташҳис қўйиш ва даволаш сифати бўйича тасдиқланган стандартларга кўра кўрсатиладиган барча турдаги тиббий хизматлар нархларини мустақил равишда тасдиқлайди.

12. Марказ қуйидагиларга мажбур:

юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган касалларга ташҳис қўйиш ва уларни даволаш сифати ҳамда стандартларининг ҳозирги замон халқаро талаблари даражасида сақланишини ва ривожлантирилишини таъминлаш;

ўз ихтисослиги бўйича қуйидагиларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш:

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари асосида аниқланадиган имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга бепул асосда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (бундан ушбу банднинг тўртинчи хат бошида кўрсатилган шахслар мустасно), шунингдек чет эллик фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга пулли асосда;

Марказнинг филиалларига, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидаги, вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги минтақавий бўлинмаларига маслаҳат, услубий ва техник ёрдам кўрсатиш;

ўз ихтисослиги бўйича олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг янги технологияларини яратиш бўйича илмий тадқиқотларнинг юксак даражада ўтказилишини таъминлаш;

Марказ тиббиёт ходимларининг касбий даражасини, шу жумладан мутахассисларнинг хорижий етакчи тиббиёт таълим муассасаларида ва клиникаларида касалликларга ўз ихтисослиги бўйича ташхис қўйиш ва уларни даволашнинг замонавий усуллари бўйича стажировкаларини ташкил этиш ҳисобига доимий равишда ошириб бориш ва такомиллаштириш;

Марказ ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатни ташкил этиш шароитларини яратиш ва меҳнатига ҳақ тўлаш, хавфсизлик техникаси тақдим этиш, уларни ижтимоий жиҳатдан таъминлаш ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш;

Марказнинг моддий-техник базасини ўз маблағлари ва жалб этиладиган маблағлар ҳисобидан ривожлантириш ҳамда замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаш;

мол-мулкдан аниқ мақсадда фойдаланиш, унинг бутлигини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ва статистика ҳисобини ҳамда ҳисоботини юритиш.

Марказда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-боб. Марказнинг мол-мулки

13. Асосий фондлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслар Марказнинг мол-мулкини ташкил этади.

14. Марказ доимий фойдаланиш ҳуқуқлари асосида ер участкасига эгалик қилади, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ва мол-мулкнинг мақсадига мувофиқ ўзига бириктирилган мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, бунда бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

15. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча фойдаланилмаётган биноларни шартнома асосида ижарага бериш, тушган маблағларни Марказни моддий-техник ривожлантириш учун ишлатиш, шунингдек асбоб-ускуналар ва мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда балансдан чиқариш ҳуқуқига эга.

5-боб. Марказ тузилмаси ва Марказни бошқариш

16. Марказ кенгаши Марказнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Марказ кенгаши 7 кишидан иборат бўлиб, Марказ директоридан, Марказнинг етакчи тиббиёт ва илмий ходимларидан ташкил топади. Марказ кенгаши фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатли вакиллари иштирок этадилар.

Марказ кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби Марказ меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

Марказ директори айна бир вақтда Марказ кенгаши раиси ҳисобланади.

17. Марказ кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Марказнинг молиявий-хўжалик ва тиббий фаолиятини бошқариш, шунингдек Марказ фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш;

ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, Марказ инвестиция ва илмий-техник сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

йиллик бизнес-режаларни ва молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш;

аҳолига пулли асосда кўрсатиладиган тиббий ёрдам турлари нархларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Марказдаги, шунингдек унинг филиаллари ва ваколатхоналаридаги муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни тасдиқлаш.

18. Марказ тузилмаси Марказ консултатив поликлиникасининг белгиланган бемор ўринлари фонди ва контингентларни қабул қилиш қуввати доирасида Марказ кенгаши томонидан ушбу Намунавий уставнинг 1-иловасига мувофиқ белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

19. Марказнинг жорий фаолиятига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор амалга оширади.

20. Марказ директори:

Марказ номидан ўз фаолиятини олиб боради, Марказнинг молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Марказ номидан шартномалар тузади, Марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал қилади;

Марказ ва унинг филиаллари ходимлари ишларини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади ва бошқаради, Марказ ва унинг филиаллари ходимлари томонидан бажарилиши шарт бўлган буйруқлар чиқаради, Марказ ходимларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига филиал директори (раҳбари) номзодини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш учун тақдим этади;

Марказ фаолияти учун жавоб беради.

21. Марказ директори ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан Марказ директорининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

22. Марказда унинг етук илмий ходимларидан ва мутахассисларидан иборат Илмий кенгаш ташкил этилади.

23. Марказнинг Илмий кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби Марказ директори томонидан тасдиқланади.

24. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказнинг аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятини назорат қилади.

6-боб. Марказ фаолиятини молиялаштириш

25. Марказ фаолияти:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

Марказнинг ўз даромадлари;

грантлар ва хайрия ёрдами;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

26. Марказнинг ўз даромадлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:
аҳолига пулли тиббий хизматлар кўрсатиш;

Марказнинг илмий ва ўқув базасида бошқа тиббиёт муассасаларининг шу йўналишдаги мутахассисларини тайёрлаш;

илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

27. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари қуйидаги мақсадларга ажратилади:

ушбу Намунавий уставнинг 2-иловасига мувофиқ поликлиниканинг мавжуд бемор ўринлари фонди ва контингентларни қабул қилиш қувватининг фоиз нисбатида имтиёзли тоифага кирувчи беморларга бепул асосда, шу жумладан шошилиш тартибда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ томонидан кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш;

аҳолига имтиёзли тарифлар бўйича айрим турдаги юқори технологик (қиммат турадиган) тиббий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ хизматларга ҳақ тўлаш. Уларнинг рўйхати ва тўланадиган ҳақ фоизи Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда аниқланади. Аҳолига имтиёзли тарифлар бўйича кўрсатиладиган айрим турдаги технологик (қиммат турадиган) тиббий хизматлар рўйхати ва тўланадиган ҳақ фоизи заруратга қараб, бироқ уч йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилади;

Марказни соғлиқни сақлашни ривожлантиришга доир давлат дастурлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳар йиллик инвестиция дастурлари доирасида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва техникалари билан жиҳозлаш;

Марказни мукамал таъмирлаш, қайта қуриш;

илмий-тадқиқот фаолияти учун грантлар шаклида.

28. Марказга аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ хизматларга ҳақ тўлаш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларининг аниқ миқдори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказ томонидан “Соғлиқни сақлаш” соҳасига ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида тегишли юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам олишга бўлган эҳтиёжга қараб аниқланади.

29. Марказга бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар ойда алоҳида қаторда қисмларга бўлинмаган ҳолда ажратилади.

30. Марказ ходимлари сони, уларнинг иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш миқдори бажарилаётган ишларнинг мураккаблиги, сифати ва ҳажмига қараб Марказ директори томонидан мустақил равишда тасдиқланади.

31. Марказ тиббий хизматлар кўрсатишдан ва бошқа хизматлардан тушган даромадлар доирасида мустақил равишда:

Марказ даромадлари ва харажатлари сметасини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда штат жадвалини тасдиқлайди ва лавозим маошининг базавий миқдоридан келиб чиқиб, лавозим маошларини, шунингдек миқдори чекланмайдиган устама ва қўшимча ҳақларни белгилайди.

32. Марказ хўжалик фаолиятидан тушган даромадларни мустақил равишда тасарруф этади. Марказнинг ўз молиявий-хўжалик фаолияти натижасида олган фойдаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Марказ ихтиёрида қолади ҳамда белгиланган тартибда:

Марказнинг моддий-техник базасини янгилаш, модернизациялаш ва кенгайтириш, замонавий тиббиёт техникасини, инвентарь ва асбоб-ускуналарни харид қилиш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш;

айланма маблағларни тўлдириш;

Марказ мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

маҳсулот ва хизматларни реклама қилиш;

Марказ фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

Бунда Марказ ушбу бандда кўрсатилган харажатларнинг устуворлик тартибини, йўналишларини ва нисбатини ўзи белгилайди.

7-боб. Ҳисобга олиш ва ҳисобот

33. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига тақдим этади, ҳужжатларнинг бутлиги ва келишилган рўйхатга мувофиқ давлатга сақлаш учун топширилиши учун жавоб беради.

34. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш молия органлари, давлат солиқ хизмати органлари, бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ўз ваколати доирасида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда аудитор ташкилотлар томонидан улар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

8-боб. Яқунловчи қоида

35. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази
консультатив поликлиникасининг бемор ўринлари фонди ва
контингент қабул қилиш қуввати**

Т/р	Марказнинг номи	Бемор ўринлари фонди	Поликлиниканинг бир сменада контингентларни қабул қилиш қуввати
1	Академик В. Воҳидов номидаги Республика жарроҳлик ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	370	300
2	Республика урология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	100	200
3	Республика кардиология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	200	250
4	Республика кўз микрохирургияси ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	50	150
5	Республика терапия ва тиббий реабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	400	150
6	Республика акушерлик ва гинекология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	236	240
7	Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика эндокринология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	288	250
8	Республика дерматовенерология ва косметология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	160	70
9	Республика педиатрия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	380	200
10	Республика фтизиатрия ва пульмонология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	500	50
11	Республика травматология ва ортопедия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	240	250
12	Республика нейрохирургия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	158	100
13	Республика онкология ва тиббий радиология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	370	200

Марказ поликлиникасининг мавжуд бемор ўринлари фонди ва контингентларни қабул қилиш қуввати ҳисоб-китоби бўйича имтиёзли контингент фоиз нисбати, уларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаш

Т/р	Марказнинг номи	Қуйидагилар учун фоиз миқдори:		
		режалаш-тирилган тиббий хизматлар	болалар учун режалаш-тирилган тиббий хизматлар	шошилишч тиббий хизматлар
1	Академик В. Воҳидов номидаги Республика жарроҳлик ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	30	100	8
2	Республика урология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	30	-	2
3	Республика кардиология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	30	-	5
4	Республика кўз микрохирургияси ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	30	100	3
5	Республика терапия ва тиббий реабилитация қилиш ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	30	100	2
6	Республика акушерлик ва гинекология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	30	100	10
7	Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика эндокринология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	30	100	15
8	Республика дерматовенерология ва косметология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	30	100	-
9	Республика педиатрия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	-	100	-
10	Республика фтизиатрия ва пульмонология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	100	-	-

Т/р	Марказнинг номи	Қуйидагилар учун фоиз миқдори:		
		режалаштирилган тиббий хизматлар	болалар учун режалаштирилган тиббий хизматлар	шошилиш тиббий хизматлар
11	Республика травматология ва ортопедия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	50*	100	15
12	Республика нейрохирургия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	50*	100	15
13	Республика онкология ва тиббий радиология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази	100	-	-

*) Бюджетдан молиялаштириш ҳажми босқичма-босқич равишда камайтирилишини ҳисобга олган ҳолда.

Изоҳ. Имтиёзли тоифага кирувчи касалларга бепул, шу жумладан шошилиш тартибда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ хизматларга ҳақ тўлаш, шунингдек аҳолига имтиёзли тарифлар бўйича кўрсатиладиган айрим турдаги юқори технологик (қиммат турадиган) тиббий хизматлар қийматининг бир қисмини тўлаш учун академик В. Воҳидов номидаги Республика жарроҳлик ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар улуши тиббий хизматларни кўрсатишдан тушган режалаштириладиган маблағлар умумий миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак.